

ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

2022 йил "31" 01 _____
Жарқургон ТЭТК
ИД/ЭТК/Пом

НИЗОМ асосида фаолият юритувчи Жарқургон туман электр таъминот корхонаси
раҳбари _____
Ф.Эргашев (кейинги ўринларда)

“Корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда _____ асосида фаолият
юритувчи _____
(истеъмолчининг номи)

раҳбари _____ (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади),
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

хисоб рақами –

1	5	0	0	6	0
---	---	---	---	---	---

 иккинчи томондан мазкур
шартномани қуйидагилар тўғрисида тузилдилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ
Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади)
мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини
уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз
вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Энергия истеъмолчининг йиллик шартномавий ҳажми:
Актив _____ кВт.с. реактив _____ кВт.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кундаги умумий нархи
ККС билан _____ сўм, тариф бўйича жами _____
ташкил этади. ККС 15% (978/63.04)

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган. (керексиз бўлсин)

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми
ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақикий миқдори ушбу
Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида
аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини
хисобга олиш асбоблари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа воситалари
истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат қисловидан ўтказилади, худудий
электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, шомбалаанади ва рўйхатдан
ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун хисоб-китоблар табақалаштирилган бир ставкали ёки аҳолига
тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортқ бўлган Истеъмолчи (бюджет
ташкilotлари, сув таъминоти ташкilotлари, фермер хўжаликлари ва сув
истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан
моллаштирилмаган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун хисоб-
китоблари сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар:

ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф
бўйича,
тигиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта
юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта миқдор
соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи
коэффициентни қўллаш орқали;

тунгги пайт – сутканинг қоронги вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача
ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаковчи коэффициентни
қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган
тарифга тўғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун
хисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни
шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланмаган ташкilotлар рўйхатига киритилган
маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар
Ҳукумат қарори билан белгиланмаган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан хисоб-китоблар, ҳар бир тариф
гуруҳига алоҳида ўрнатилган хисобга олиш асбоблари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади
Истеъмолчи томонидан алоҳида хисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган
тақдирда, электр энергияси учун тўловлар бойдаланилаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича
хисоб китоб қилинади.

Ушбу Шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги хисоб-китоб даври
бир ой хисобланади.

3.4. Истеъмолчи хисоб-китоб даври тугагандан сўнг ХЭТКнинг ваколатли вакили билан
биргаликда хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу
Шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича хисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфлаиши тўғрисидаги хисоботни ўз қўли билан,
факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “17” санасигача худудий электр
тармоқлари корхонасига тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табақалаштирилган
тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича хисоботда
ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва
тунгги пайтларда бойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, худудий электр
тармоқлари корхонаси уларнинг кучта киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий
ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан катий назар, электр таъминоти
шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи бойдаланилган электр энергияси учун янги тариф
кучта кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва
реактив энергия)нинг аванс тарикасида тўланган ҳажми учун тўлов кушидан бошлаб кейинги бир
ойдан ортқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик ҳатоликлар, тарифларни ногўтри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва
ортқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта хисоблаб чиқилади ва худудий



электр тармоқлари корхонаси томонидан даъво мuddати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади”.

3.6. Истеъмолчига энергияни etkazиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар

ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб, ҳисоб-китоб даври бошланишидан камиди 5 кун олдин билдирги тартибда Корхонага мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида etkazиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳақда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача яқуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узингача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Корхона истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этилади.

Корхона томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлашиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(АСОС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисоб-фактуралардан фойдаланишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси chegarасида ўрнатилмаганда, chegarадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватта уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тизги, ярим тизги ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқлашиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади.

(6-7-иловаларни реалтиқа қиёватига эга ва технологик брояли истеъмолчилар тўғрисида)

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатиладиган, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфланиш бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатиладиган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган мuddатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолчининг шартномада қайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варағини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамига бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Корхона ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибда ёзиб оlingандан кейин, Корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш асослари (машиный истеъмолчилардан ташқари) кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш асосларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида худудий электр тармоқлари корхонасига белгиланган шарт бўйича ўз қўли билан, факсимил-электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар ҳамда тadbиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажминини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ЭХНАТнинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш асосларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камиди бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

Худудий электр тармоқлари корхоналари истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш асосларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимида реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортқ истеъмол қилинган энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорда тўлов ундирилади.

Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифига устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергияни, (ноқонуий фойдаланилган электр энергияси) қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзини қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов мuddати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов мuddати ўтган ҳар бир кун учун истеъмолчига тўлов мuddати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорда, электр энергияси махсус тартибда etkazиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорда пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, мuddати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарорига асосан)

3.13. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

Агар “истеъмолчи” солиштирма далолатномасини имзолашдан бош торгаса, Энергия таъминоти корхонаси қарзини ундириш учун шартномавий ҳажмдан келиб чиққан ҳолда Истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тўлов талабномаси қуйиш йўли билан, ҳамда бир томонлама расмийлаштирилган солиштирма далолатнома асосида “ХЭТК” томонидан мажбурий улуғуруга қаратишга, шунингдек суд (судларга) ва давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишга ҳақли.

3.14. Истеъмолчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узтилади: шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

хисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганини оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Қорхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вақиларига хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

хисобга олиш приборларини қасддан бузганда, кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашин хатги-харажатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан утирлик тарзда фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний уланш, талон-тарож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қондаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;

шартнома, электр таъминоти лойиҳаси ва техник шартлар мавжуд бўлмаганда, электр таъминот лойиҳаси ва техник шартларга мос келмаганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта хисоб-китоб,

Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қондаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

Электр тармоқлари қорхоналари томонидан истеъмолчининг ҳақиқатдаги қарздорликлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аниқлик кiritилган ҳолда электр тармоқларидан ажратилади

3.16. Истеъмолчи томонидан қойдабузарлик ҳолати баргараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баравари микдорда тўлов ундирилгандан сўнг тармоққа қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинган улушга муносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига берилган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.18. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинган улушга муносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига берилган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.19. Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган энергияси учун тўлов тарифлари куйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" ги УРҚ 327-сон Қонуннинг 28-модасига асосан;

Оилавий қорхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлаб бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, каналлация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятин янада такомиллаштиришда ижтимоий қўмак ва имтиёزلар бериш тўғрисида» 2003 йил 22 августдаги 364-сон қарорининг 3-бандини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Хукумати диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатилган коммунал хизматлар (табiiй газ, ичимлик суви, иссиқлик энергияси, электр энергияси, телефон, оқома суви ва маиший чиқиндиларни ташини)га тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчининг электр қурilmаларини Қорхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталishi ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Қорхонага истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда тақлифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажминини ўзгартириш бўйича тақлиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши ва сураётган қушимча микдор учун 100% олдиндан тўлов амалга оширилган бўлиши лозим;

электр энергияси тўлик ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия микдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш; электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органига (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи куйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимида рияз этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурilmаларни зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурilmаларни эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қондаларига рияз қилинишини таъминлаш, Қорхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

эгаллаб турган биносидан уни бериш, сотиш, ижарага расмийлаштириш ёки бошқа сабабларга қура қучиб кетган тақдирда, бу ҳақда электр таъминоти қорхонасини ёзма равишда хабардор қилиш;

ЭЭХНАТ (АСКУЭ) тизимини барқарор доимий ишлаб туришини таъминлаш;

энергетика тизимининг «Электрхисоб» компютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон рақамига (боғланиш нуқтасига) «СМС» орқали юборилган хабарнома, огохлантириш хатларига ўз вақтида муносабатларини билдириш ва зарур ҳолда дархол энерготаъминот қорхонасига аниқлик киритиш мақсадида маълум қилиш;

энергетика тизимининг «Электрхисоб» компютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон рақами (боғланиш нуқтаси)га шунингдек бошқа бирон рекевизитлари узгарган ҳолда холда истеъмолчи дархол электр таъминоти қорхонасига хабар бериш;

Қорхона ва «Ўзэнергоспекция» қонуний кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурilmаларининг тузилиши қондалари талабларини бажариш;

Корхона вақтинчалик ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рўсат бериш;

Йил мобайнида янгидан ишга туширилаётган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланганидан қамада бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманома бериш;

Келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узагида, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, пунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистемолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувагга уланган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувагнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори, энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламани даврларида реактив энергия ва қувагнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қуваг)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Уланган қуваги 250 кВа ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар мазкур Қондаларнинг 127-бандида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қуйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқиш — умумий ишлаб чиқариш ва технологик, яқка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораслик ва ойлик — уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологик тақомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини тақомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш, электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажарилишни талаб этиш;

Ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш; авария режимида, Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйиш;

электр хўжалиги объектларида авариявий ҳолатларни олдини олиш ёки уларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар қуриш зарур бўлганда истеъмолчини огоҳлантирмай ва у билан келишмай унга энергия етказиб беришни чеклаш;

Корхонанинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭХНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугатганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзга келган ҳолат учун Корхона жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мутгазм етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қутилиётган узлишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

қиртилиётган чеканалар тўғрисида, чеканаларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва бағавсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб бериладиган энергия ҳисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда қиртилган тақлифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар қилиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини қўлайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда — истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шомбанаши таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари дақлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолчининг белгилашган режимида риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувагнинг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, худудий электр тармоқлари қорхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

заҳира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани сошлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун истеъмолчини олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона Истеъмолчини электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч холатлари ҳамда фахвулдода авария холатлари юзга келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдидан жавобгар бўлмайди.

Илектр энергия таъминоти корхонаси уни билан боғлиқ бўлмаган вазиятлар оқибатида мавжуд бўлган ҳеслашлар киритилганда, "электр қурималарини тузилиши қоидалари"нинг 1.2.18, 1.2.19 ва 1.2.20 бандларида асосан истеъмолчилар томонидан электр таъминоти ишончилиги тоифаси (категория)га туғри келмаган (лойиха талаблари бажарилмаганда) ҳолда истеъмолчиларда киритилган даъво ва талаблари буйича келиб чиқадиган низолар буйича истеъмолчи олдидан жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзга келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 2022 йил 31.12 гача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда қўлланилмайди ва кейинги ойдан кучга киради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш буйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза улшбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сакланётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шартли билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгариш ва қўшимчалар, атар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январда 22 сон ҳарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларида мувофиқ тартибга солинади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕЪМОЛЧИ: И - Солим К бе БФРСУЧ.ЯК.

Юридик манзили ЖАРҚУРГОН ТУМАН, ДУРХОН САХИМ" МФО

Ҳисобрақами 23402000 90010000 1010

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 20112919

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истеъмолчилар учун:

Бюджет фонднинг ҳисобрақами: 1001760XXXXXX2000075001

Банк коди (МФО) _____ (ИНН) _____

Бюджетдан ташқари фонднинг ҳисобрақами _____

Банк коди (МФО) _____ (ИНН) _____

ҚҚС тўловчининг коди _____

Телефонлар: 7643-21-882 Факс: _____ е.теп: _____

(Истеъмолчининг, му ажмадан рағбарининг уяли, факс телефонлари коди электрон манзили ёзилди)

Кадастр№ _____

Статистик кодлар:

ОКЭД _____

СОГУ _____

СОАТО _____

КФС _____

КОПФ _____

ОКПО _____

КОРХОНА: ЖАРҚУРГОН ТЭТК

Почта манзили Жарқургон тумани Янгибод маҳалласи Хаудақ кучаси № _____ уй _____

Ҳисобрақами 226360007004227199401

Банк коди (МФО) 01045 (ИНН) 200475661

ҚҚС тўловчининг коди _____

Телефонлар: 955010648 _____ Факс: _____

Статистик кодлар: _____

СОГУ _____

СОАТО _____

Истеъмолчи:

М.У. Икромов, лавозим, Ф.И.О.



Мазкур электр энергиядан фойдаланиш шартномаси _____ ҳуқуқшуноси _____

М.У. Икромов

Ф.И.О. _____

Ўз.Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 12-январдаги 22-сонли ҳарори талабларида мувофиқ тузилган. Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг қонуний ҳужжатлари мотамлик қилмайди. Шартнома иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фундаментал кодекс ва «Ҳўжалик кредитчи субъектлар фойдаланиш шартномасининг мувофиқ бўлмаган қисми тўғрисидаги қонуни талабларида жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиққан мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида қонуний ҳал қилинган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низоми хал қилиш тартиби белгиланган.

31.01.2022 (таърихи)

_____ (имзо)